

Хорижлик профессор Камол Кантарчи билан давра суҳбати

Жорий йилнинг 17-26 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда Халқаро ҳамкорлик ташаббуслари” ҳамда “Ўзбекистонда халқаро маданий мерос ҳафталиги” ўтказилаётган халқаро тадбирлар доирасида “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва ЎзР Туризм қўмитаси ҳузуридаги “Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти”нинг икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш шартномасига биноан “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетида жорий йилнинг 23 октябрь куни Туризм таълим йўналиши талабалари иштирокида туризм соҳасининг етакчи экспертларидан бири Туркиянинг Алания Алааддин Кейкубат университети (ALKU) Туризм менежменти кафедраси профессори Камол Кантарчининг “Ўзбекистонда туризм барқарорлиги ва иқлим ўзгариши асосий хавф сифатида” мавзусидаги “меҳмон маърузаси” ўтказилди.



Маърузада халқаро туризмнинг энг янги йўналишлари ва тенденциялари ёритиб берилди, хорижий эксперт Ўзбекистоннинг туризм соҳасини барқарор ривожланиш хусусиятларига ижобий баҳо берди ва истиқболига ўз қарашини билдирди. Учрашув университет талабалари томонидан зўр қизиқиш билан қабул қилинди, берилган саволларга тўлиқ жавоблар олинди. Учрашув “Иқтисодиёт” факультети раҳбарияти, “Иқтисодиёт” кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтди.





“Iqtisodiyot” fakulteti dekani o‘rinbosari

U.Xoliyorov ma‘lumoti

Universitet matbuot xizmati